

**ЯРАТИЛГАН ҒЎЗА ТИЗМАЛАРИНИНГ СЕЛЕКЦИОН КЎЧАТЗОРДАГИ  
ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

Н.А.Мирхамирова

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етишириш агротехнологиялари илмий тадқиқот  
институти мустақил тадқиқотчиси

Республикамизда биологик ва хўжалик тезпишарлик орасида тафовутни камайтириш селекционер олимлар олдида турган асосий вазифалардан биридир. Вегетация даврини қисқартириш учун турли омиллар мавжуддир. Бу ўринда майда баргли, ўртача кўсаклар, биринчи ҳосил шохини пастроқ жойлашиши, гуллаш-пишиш даврни қисқартирилиши, тупнинг ихчам шакли катта аҳамиятга эга. Умуман фойдали ҳароратнинг йиғиндиси камроқ бўлган ҳудудларда юқорида кўрсатилган омилларга алоҳида эътибор берилиб, тола сифати билан ижобий боғланган ҳолда танлов ишларини олиб бориш зарур.

Жадвал маълумотларига кўра, селекцион кўчатзордаги тизмаларнинг натижалари шуни кўрсатдики, ниҳол униб чиқишидан 50 % гуллашгacha бўлган давр кўрсаткичи 59-60 кунни ташкил этди. Барча тизмалар андоза С-6524 (60 кун) нави даражасида ёки ундан эрта гуллаганини гувоҳи бўлдик. Ниҳол униб чиқкишидан 50 % пишиш кўрсаткичи эса тизмаларда 109-110 кунни ташкил этиб, андоза (111 кун) навидан 1-2- кунга тезпишарлиги намоён бўлди.

Маҳсулдорликни таъминловчи асосий белгилардан бири-кўсак вазнидир. Бу белги ўз навбатида чаноқлар сони, чаноқлардаги чигитлар сони ва чигитларнинг 1000 дона вазнига боғланган. Бизнинг тадқиқотларимизда бир дона кўсакдаги пахта вазни андоза С-6524 навида 5,4 г ни ташкил этгани ҳолда, тизмаларда 6,5 г (Т-506-510) дан 7,5 г (Т-265-279) гача бўлган натижалар қайд этилди. Ҳосилдорлик элементларидан яна бири 1000 дона чигит вазни эса яратилган тизмаларда 125 г (Т-818-824) дан 130 г (Т-379-392, Т-506-510, Т-876-891, Т-265-279) гача бўлиб, андоза С-6524 навидан 5-10 г га устунликни намоён этди. Янги яратилган тизмаларнинг тола чиқимига эътиборимизни қаратдик, ушбу кўрсаткич тизмаларда 38,5 (Т-876-891) % дан 42 (Л-2019) % гачани ташкил этиб, белги бўйича андоза С-6524 (36,8 %) навидан 1,7-5,2 % га устунлик қайд этилди. Конвергент дурагайлаш асосида яратилган тизмаларнинг деярли барчасида тола узунлиги бўйича устунлик намоён бўлди. Тола узунлиги кўрсаткичи 34,3 (Т-818-824) мм дан 36,7 (Т-876-891) мм гача бўлиб, андоза С-6524 нави (33,4 мм) дан тегишли равища 1-3,3 мм гача устун бўлганлиги аниқланди.

## Жадвал

## Селекцион күчтөздөрдаги хұжалик белгилар бүйича күрсаткичлари

№0	Тизма	“ униб чиқиши-50% гуллаш” , кун	“ униб чиқиши-50% күсаклар очилиши” , кун	Бир дона күсак даги пахта вазни, Г	1000 дона чигит вазни, Г	Тола чиқими, %	Тола узунлиги, мм	Вертициллөз вилт билан заарланиш даражаси, %
1	Л-2019	59,0	109,0	6,6	129	42,0	36,5	2,0
2	T-379-392	60,0	109,0	6,9	130	40,0	34,7	2,1
3	T-818-824	59,0	110,0	6,7	125	38,8	34,3	3,3
4	T-1014-1017	59,0	109,0	6,8	127	39,2	35,7	3,5
5	T-1133-1136	60,0	110,0	6,9	127	39,5	34,5	3,4
6	T-506-510	59,0	110,0	6,5	130	39,0	34,6	3,4
7	T-876-891	60,0	109,0	6,9	130	38,5	36,7	3,1
8	T-265-279	59,0	109,0	7,5	130	39,0	35,6	2,0
9	C-6524 (St)	60,0	111,0	5,4	120	36,8	33,4	10,4
ЭКФ <sub>0,5=</sub>		2,3	3,4	3,1	1,9	1,6	2,5	

Маълумки, вилтга бардошли ашёлар яратилиши ҳосилдорликка замин яратади. Биз томонимиздан яратилған тизмаларда вертициллөз вилтга бардошлилик таҳлили шуны күрсатдикі, тизмаларда умумий заарланиш даражаси 2 (Л-2019, Т-265-279)% дан 3,5 (Т-1014-1017) % гачаны ташкил этиб, андоза С-6524 (10,4 %) навидан 8,4-6,9 % гача кам заарданғанлиги кузатилди.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тезпишарлықнан яхшилашда, вертициллөз вилтга бардошли ашёлар яратышда, бир дона күсакдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тола чиқими, ва айниқса тола узунлиги бүйича устунликка эришишда ғүзанинг янги яратилған конвергент тизмаларидан фойдаланиш мақсадға мувофиқ ҳисобланади.